



Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (13.942)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИШКЕК УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 13 июнь куни Бишкек шаҳрига келди.

Бишкек, 13 июнь.
ЎЗА махсус муҳбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

“Манас” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қирғизистон Бош вазири Мухаммадали Абилгазиев кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон Президентини ШХТдаги муваффақиятли раислиги билан табриклади.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамлашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация йўлга қўйилмоқда, маданий-гуманитар алмашув кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари турли даражадаги икки томонлама мулоқотлар фаоллашгани, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашувлар кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш ва ушбу мамлакатни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида жалб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни рўйбга чиқаришнинг амалий масалалари кўриб чиқилди.

Ашраф Ғани Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги фаол савдо-ҳаракатлари учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Розмари ДиКарло хоним билан ҳам учрашди.

Музокарада Ўзбекистон билан БМТ институтлари ўртасидаги Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган кўп қиррали шериклик истиқболлари кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Орол фожиаси оқибатларини, жумладан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди доирасида бартараф этиш бўйича фаол савдо-ҳаракатлари давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Розмари ДиКарло самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг салом ва эзгу тилакларини етказди.

БМТнинг юқори мартабали вакили Яқин Шарқдаги куруллойи можаролар ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш бўйича миссия муваффақиятли амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунида устувор лойиҳа ва дастурларни биргаликда илгари суриш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиш қатъий экани таъкидланди.

Шу куни Қирғизистон давлат филармониясида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Бишкек саммити иштирокчилари учун концерт дастури намойиш қилинди.

Саммитнинг асосий тадбирлари бугун бўлиб ўтди.

ЎЗА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ, АТОМ ЭНЕРГИЯСИ, ОВЧИЛИК ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2019 йил 13 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар ишни қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидлаш лозим, мазкур қонун лойиҳаси меҳнат муҳофазаси масалалари, бандлик соҳасида белгиланган кафолатларни таъминлаш ҳамда вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Кайд этиш жоизки, ушбу лойиҳа кўмиталарда муҳокама қилинганда қўлаб тортишувларга сабаб бўлган ҳамда қатор нормалар юзасидан депутатлар ўз тақлифларини киритган эдилар. Шу сабабли ҳам мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан шу мазмундаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ амалиёт чуқур ўрганилди, статистик маълумотлар таҳлил қилинди. Натижада қонун лойиҳасини киритган ташаббускорнинг бир қатор тақлифлари асоссиз деб топилиб, унинг қатор моддаларига жиддий ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, қонун ташаббускори томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга меҳнат, банд-

лик ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли давлат органининг кўрсатмасини бажаришдан бўйин товлаганини, ўз вақтида ёки тегишли равишда бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш ҳамда бу ишларни кўриб чиқиш ваколатини Давлат меҳнат инспекциясига беришни белгилаш тақлиф этилган эди.

Депутатларнинг асосланган тақлифига биноан бундай маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судларга ўтказилди. Парламент вакилларининг таъкидлашича, жазолаш ваколатини назорат қилувчи орган ихтиёрида қолдирилиши ушбу соҳада коррупция ҳолати юзага келиши эҳтимолини кучайтиради.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасининг дастлабки ҳолатида авваллари кўзда тутилмаган янги, яъни ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартибини, иш ўринларининг меҳнат шароити бўйича аттестацияни ўтказишга доир қонун ҳужжатлари талабларини, ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликларни белгилаш тақлиф этилган эди.

(Давоми 2-бетда)

КАМКА – 2019:

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Тошкентда “Марказий Осиё, Мўғулистон, Кавказ ва Афғонистон” (КАМКА) минтақавий форуми ўз ишини бошлади.

КАМКА минтақавий тармоғи, АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказ институти, “Рамсфелд” жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, дунёнинг 20 давлатидан келган 300 дан ортиқ қатнашчи, халқаро ташкилот ва институтлар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбир очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Ф.Старр, КАМКАнинг Ўзбекистон бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси М.Мухитдинов ва бошқалар сўзга чиқди.

Минтақавий форум Марказий Осиё ва Кавказ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир масалалар юзасидан фикр алмашуш платформаси сифатида 2014 йилда таъсис этилган. Форум сиёсий мақсадларни кўзламайд.

Бу галги форум “КАМКА: умумий манфаатлар, умумий интилишлар” мавзусига бағишланди. Форумнинг биринчи куни ялпи мажлисларида минтақавий савдо, транспорт ва транзит, инвестицияларни жалб қилиш, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларининг ўзаро иқтисодий ва бизнес алоқаларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ва инновациялар, инсон капитали, таълим, туризм ва ОАВни ривожлантириш каби масалалар юзасидан муҳокамалар ўтказилди.

КАМКА савдо минтақасида ривожланиш белгилари таҳлилида халқаро экспертлар Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий соҳаларга ижобий баҳо берди.

– Дунёнинг етакчи давлатлари қатори АҚШ ҳам

ўзининг иқтисодий тараққиётига босқичма-босқич эришган, – дейди америкалик иқтисодчи, “Laffer Associates” компанияси бош директори А.Лаффер. – Ўзбекистон ҳам муҳим иқтисодий ривожланиш сари дадил одимлаётганини қайд этиш даркор.

АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказ институти катта илмий ходими Мамука Тсерелининг фикрича, табиий ресурслар, инсон капиталига бой Ўзбекистонда иқтисодий, хавфсизлик соҳалари ва инвестицияларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар фақатгина мамлакат тараққиёти билан бирга минтақа равангига ҳам хизмат қилади.

Форумда Марказий Осиё минтақаси мамлакатларида ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора фаоллашгани, бунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари муҳим бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, Марказий Осиё давлатларининг транзит-логистика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини узил-кесил якунига етказиш бўйича тақлифлари минтақа савдо-иқтисодий ҳамкорлигини юқори суръатда таъминлаш имконини бермоқда.

Халқаро форум доирасидаги муҳокамаларда Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида ўрин берилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш минтақда барқарор ривожланишининг муҳим омилли экани нукта назаридан савдо-иқтисодий, инвестиция, туризм соҳаларида шериклини жадаллаштириш бўйича фикрлар билдирилди.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ ҲУКУМАТЛАРАРО ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Германия ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбир пойтахтимизда ўтказилган “Uzbekistan Agrotech Expo – 2019” XIV ва “Uzbekistan Agromash Expo – 2019” VIII халқаро иختисослаштирилган қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналари кўргазмалари доирасида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Хўжаев, Германия Федератив Республикаси Федерал озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлигининг парламент давлат котиби Михаэль Штубген ҳам-раислигида ўтган мажлисда қишлоқ

хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ўртасида 2018 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25 фоиз ўсиб, 770 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги товар айланмасининг улуши 27 миллион долларга тенг. Бугунги кунда ушбу йўналишда истиқболли қўшма лойиҳаларнинг ҳаётга самарали жорий этилиши натижасида жорий йилда

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга ўсди.

Хозирги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида Германия капитали иштирокида 20 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида агротехнология йўналишидаги ҳамкорлик мустаҳкамлашиб бормоқда. Жумладан, Тошкент давлат аграр университети билан Германиянинг Вайенштефан-Триездорф университети ўртасида аграр бошқарув соҳасида

кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқилган.

Мажлисида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, таълим, қорвачилик, сабзавот етиштириш, уруғчилик ва асаларчилик каби йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича тақлифлар билдирилди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Хўжаев ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳалар келгусида ўзининг ижобий натижаларини беришини алоҳида таъкидлади.

Қишлоқ хўжалигида ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланди.
Абдулазиз МУСАЕВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Истеъдодли ёш композиторларни кашф этиш, уларни чет давлатлардаги тенгдошлари ижоди билан яқиндан таништириш, қардош давлатлар билан ўзаро ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳамда “Илҳом” жамоат фонди кўмагида Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятида I халқаро Ёш композиторлар фестивалини ўтказди. Фестивалда ёш ижодкорларнинг халқ чолғулари ҳамда симфоник оркестр учун ёзган асарлари янгради.

• Фарғона шаҳрида Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари учун қурилган 30 хонадондан иборат 4 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. “Файз Бинокор Олтиариқ” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган 4 та кўп қаватли уйда 120 нафар ДХХ ходими оилалари уй тўйларини нишонлади. Уйлар атрофи ландшафт архитектураси асосида ободонлаштирилиб, болалар майдончалари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди.

• Андижон вилояти Марҳамат туманида вилоят ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Фарғона филиали битирувчиларига сертификат топширишга бағишланган тадбир ўтказилди.

• Қашқадарё вилоятида “Хар бир оила – тадбиркор” дастурининг мазмун-моҳияти ишчи гуруҳлар томонидан хонадонмахонадон кириб тушунтирилди. Оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича аҳоли, айниқса, ёшлар ва кам даромадли оилаларнинг хоҳиш-истаги, имкониятлари ўрганилди. 36 минг 821 та лойиҳа бўйича 434 миллиард сўмлик кредит маблағларига бўлган талаб шакллантирилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш вилоят маркази томонидан уларга ижобий хулосалар берилди. Дастур доирасида 2018-2019 йилларда бугунги кунга қадар жами 450 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

• Фарғона шаҳар марказида Жанубий Кореянинг “Chang construction group” компаниясининг “Model house” меҳмонхоналарини сотиш ва реклама қилиш биносини қуриш ишлари бошланди.

ЖАҲОНДА

• Угандада илк бор Эбола вируси қайд этилди. Бу хавfli касаллик мамлакатга ота-онаси билан келган беш ёшли конголик бола орқали тарқалди. Таъкидлаш жоизки, Конгода Эбола безгагида чалинган 2 минг киши мавжуд бўлиб, ҳозиргача, улардан 1400 нафари ҳаётдан кўз юмган. Ушбу Африка давлатида шунингдек, қизамиқ эпидемияси ҳам авж олганлиги боис сўнгги бир ҳафта ичида ушбу юқумли хасталик бир ярим минг кишининг ҳаётига зомин бўлди.

• Каспий денгизи соҳилларида Россиянинг нефть ортилган танкерининг ҳалокатга учраши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди, беш нафар одам жароҳатланди. Улардан бирининг аҳволи оғирлиги айtilмоқда.

• Буюк умумтоз композитор Людвиг ван Бетховеннинг соч толаси “Сотбис” ким ошди савдо уйида сотувга қўйиладиган бўлди. Ушбу гаройиб савдо объектининг бошланғич нархи 15 минг доллар этиб белгиланиши маълум қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ, АТОМ ЭНЕРГИЯСИ, ОВЧИЛИК ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатларнинг фикрича, тараққиётнинг янги босқичида, жинойи ва маъмурий жавобгарлик либераллаштирилган бир шароитда яна янги жазо чораларини жорий этиш ислохотлар моҳиятига зид ҳисобланади. Муҳокамалар давомида депутатларнинг нормаларини тақомиллаштириш юзасидан кескин танқидий фикр-мулоҳазалар билдириб, бир қатор амалий тақлифларни баён қилдилар. Шу боис, ушбу тақлифларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳаси кун тартибидан чиқарилди ва янада маромига етказган ҳолда навбатдаги мажлисда қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

Шундан сўнг депутатлар "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг депутатлар, соҳа мутахассислари ва манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар вакиллари томонидан билдирилган тақлифлар асосида янада тақомиллаштирилганлиги таъкидланди.

Хусусан, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг

асосий йўналишлари, шунингдек, мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солишда қатнашувчи бошқарув ва назорат органлари (оператор ва регулятор), шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги лицензияланган фаолият турлари, лицензиялаш учун кўйиладиган асосий талаблар янада аниқ қилиб белгиланди. Соҳада амалга оширилаётган давлат назорати, назорат йўналишлари ва назорат қилувчи органлар рўйхати аниқлик киритилди.

Қизгин кечган муҳокамалар чоғида депутатлар томонидан тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар ишлаб чиқиш лозимлиги, мазкур қонун лойиҳасида эса кўплаб ҳаволаки нормалар мавжудлиги, атом энергетикаси соҳаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда уни янада тақомиллаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Шундан сўнг, ушбу қонун лойиҳаси ҳам кун тартибидан чиқарилди ва маромига етказган ҳолда кейинги мажлис кун тартибига киритилаётган бўлди.

Парламент аъзолари томонидан "Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани ра-

тификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг кўриб чиқиши ушбу соҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини кўрсатади. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"да – "Хавфсиз ва химояланган меҳнат" тадбирлар дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Мазкур Баённомага кўра, ХМТнинг ҳар бир аъзоси Конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришда мажбурий меҳнатга барҳам бериши керак.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари билан конструктив ҳамкорликни кучайтириш, мажбурий меҳнат қурбонлари ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилиш соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш имконини беради.

Йиғилишда Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Овчилик ва ов ҳўжалиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шунингдек, депутатлар Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана

тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Унга кўра, Кармана туманидаги "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан – 1 071,44 гектар, "Барк" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан – 26,14 гектар ер майдонлари Навоий шаҳри таркибига ўтказилмоқда.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Йиғилишда бир қатор депутатлар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташаббус кўриб чиқилди. Депутатларнинг таъкидлашича, мамлакатимизга олиб кирилаётган пальма ёғи ва унинг асосида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлигига таъсири ва озиқ-овқат саноатидаги мавжуд стандартлар талабларига риоя қилиниши масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш лозим.

Муҳокамалардан сўнг масъул кўмиталарга ушбу масалани чуқур ўрганиб, 10 кун муддатда тегишли хулоса тайёрлаш вазифаси топширилди.

Мажлисда, шунингдек, парламент қуйи палатаси ваколатлари тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШ УЧУН ИМКОНИАТ

2012 йилда Учтепа туманида ноозиқ-овқат чакана савдосини йўлга қўйган Алижон Юнусалиев қисқа вақтда ўз ишини тўхтатишга мажбур бўлди. Бонси, 2013 йилда солиқ қонунчилигини бузган тадбиркорга нисбатан 187 млн. сўмдан зиёд молиявий жарима қўлланилган эди.

Тажрибасизлигим туфайли дастлаб ишларни тўғри йўлга қўя олмадим, — дейди А.Юнусалиев. — Натихада, бир қатор хатоларга йўл қўйдим ва алалоқибат қарзга ботдим. Ушундан бери, янги иш бошлаш истаги ва қарзларни қандай тўлашим ҳақидаги ўйлар тинчлик бермай юрганди. Солиқ идоралари ходимлари Президентимиз Фармони асосида фаолиятини тикласам, мавжуд қарзларимни ҳисобдан чиқарилишини айтишганида тадбиркорликка бўлган иштиёқим янада ошди. Эндиликда, юкларни автомобиль транспортида ташини фаолияти билан шуғулланиб, тадбиркорликни давом эттириб келяман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Алижон Юнусалиев каби тадбиркорликка иштиёқ банд бўлган кўплаб юртдошларимиз учун кенг имкониятлар ашигини очди. Жумладан, тумандаги 524 нафар фуқаро тадбиркор сифатида фаолиятини тиклади ва уларнинг 39,3 млрд. сўмлик қарзларидан воз кечилди.

Фазилиддин Хамидов пойтахтимизнинг Олмазор туманида яқна тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳолда ёғоч ўймакорлиги фаолияти билан шуғулланиб келади. Дастлаб тадбиркорлик фаолиятининг қонун-қоидаларини яхши тушулмаганлиги сабабли иши юришмади. Натихада солиқдан 689 млн. сўм қарз бўлиб қолди.

Табиийки, ишни энди бошлаган тажрибасиз тадбиркорда бундай катта қарзни тўлашга етарли маблағ йўқ эди. Шу боис фаолиятини тўхтатиб, тирикчиликнинг бошқа йўллари қидира бошлади. Яъни,

бошқа бир устaxonага иши бўлиб кирди. Ана шундай кунларнинг бирида солиқ идоралари ходимлари келиб, агар тадбиркор сифатида фаолиятини қайта тикласан, Президентимиз Фармони билан солиқ қарзларининг воз кечилишини айтишди. У шу куннинг ўзидеёқ фаолиятини қайта тиклади ва айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини давом эттириб, юртимиз иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Олмазор туманида турли сабаблар билан молиявий жарима қўлланилган ва фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган 229 нафар тадбиркор ўз фаолиятини қайта тиклаган ва уларнинг 80 млрд. сўмдан зиёд солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги Фармони асосан солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш муддати жорий йилнинг 1 июлига қадар узайтирилди. Шу боис бугунги кунда Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан вақтинча фаолият юритмай турган ёки қайта рўйхатдан ўтиб тадбиркорлигини давом эттириш эҳтимоли мавжуд солиқ тўловчиларга хабарномалар юборилмоқда. Бундан ташқари, жойларга чиққан ҳолда фуқаролар билан учрашиб, фаолиятини қайта тиклаш бўйича тушунтиришлар берилмоқда.

Маълумот учун айтиш жоизки, Тошкент шаҳрида олиб борилган тартибот ва ташвиқот ишлари натихада белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган 1815 нафар фуқаронинг 219,7 млрд. сўм қатъий белгиланган солиқ ва молиявий жарима бўйича мавжуд қарзи ҳисобдан чиқарилди. Эндиликда ушбу тадбиркорлар янги иш ўринларини яратиши ҳамда бюджет тушумларига ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

З.ШАРИФЖОНОВ

ЭНГ КАТТА МУАММОЛАРДАН БИРИ – МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ ОҚСАЛИШ

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ёш журналистлар кенгашининг "Матбуотда "устоз-шогирд" аънанаси: ютуқ ва муаммолар, назария ва амалиёт бирлиги" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатиде сўзга чиққанлар малакали ва замонавий билим ҳамда технологияларни, хорижий тилларни яхши эгаллаган журналистларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани, соҳада назария ва амалиёт бирлигига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида тўққизта кенгаш бўлиб, улардан бири Ёш журналистлар кенгашидир, — дейди "Ёшлар овози" ва "Мо-

лодэж Ўзбекистана" газеталари бош муҳаррири, кенгаш раҳбари Фахриддин Каримов. — Муҳокамалар давомида шу нарса маълум бўлмоқдаки, бугунги кунда "устоз-шогирд" аънанаси бироз оқсамоқда. Доимий ижодий мулоқотларнинг камлиги, кўпгина тахририятлар қошида меҳнат мактабларининг фаолияти йўлга қўйилмагани, ёш журналистларнинг долзарб муаммолар ечимига бағишланган лойиҳаларининг қўллаб-қувватланмаслиги, уларнинг уюшма томонидан турли тан-

Пойтахтимиздаги Япон боғида Халқ банки томонидан "Баркамол авлод – юрт таянчи" шиори остида банк ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида маданий-маърифий тадбир ташкил қилинди.

ХАЛҚ БАНКИ БЕШ ТАШАББУС ДОИРАСИДА ТАДБИР ЎТКАЗДИ

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 муҳим ташаббус доирасида ташкиллаштирилди.

Маълумки, ушбу беш ташаббусда ёшларнинг мусиқа, расомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш ҳамда уларни жисмоний чиниктириш, спорт соҳасида қобилиятини намойён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсади муҳасамлашган.

Албатта, мазкур ташаббуслар кенг жамоатчилик билан бирга Халқ банки жамоаси томонидан ҳам катта қизиқиш билан қутуб олинди.

Банк томонидан ўтказилган ушбу тадбир ўзаро ҳурмат, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликка асосланган бошқарув тизимини янада мустаҳкамлигини намойиш этди. Банк раёнақи учун сидқидилдан давлат олиб бораётган банк ходимларининг оила аъзолари билан биргаликда хордиқ чиқаришлари учун маданий-маърифий маскан бўлди.

Таниқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорлар концерт дастурлари билан расомлар, спортчилар тадбир иштирокчилари бўлган ёшларга турли ўқув машғулотлари билан ўзгача кайфият улашди.

Банк ходими – бу жиддий қиёфа, расмий мулоқот ва расмий имиж, бўйнидан бўйинбоғини ҳеч ҳам ечмайдиган шахс. Биз банк ходими деганда дастлабки хаёлимизга келадиган фикр бундан ортиқ бўлмайди.

Бироқ бугунги тадбир уларни янгида кенг ақл эши, меҳрибон ота ва она эканликларини яна бир бор исботлашга замин яратди.

Келгусида мазкур ташаббусларнинг юртимиздаги барча ҳудудларда мавжуд Халқ банкининг филиаллари микёсида кенг тарғиб қилиш режалаштирилмоқда.

Банк ахборот хизмати

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ 5 ОЙЛИК ФАОЛИЯТИНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Миллий матбуот марказида чет эл давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, юртимизга инвестиция ва технологияларни кенг жалб қилиш ҳамда туристлар оқимини янада ошириш борасидаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда жорий йилнинг 5 ойи давомида 8 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев тўртта мамлакатга ташриф буюрди, шунча хорижий давлат раҳбарлари Ўзбекистонга келди.

Президентимизнинг январь ойида Хиндистон Республикаси ва Германия Федератив Республикалари, март ойида Бирлашган Араб Амириклари, апрель ойида Хитой Халқ Республикасига ташрифлари чоғида ушбу мамлакатлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, турли соҳаларда доир ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Тадбирда ушбу келишувлар ижросининг бориши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳомжон Неъматовнинг таъкидлашича, вазирлик биринчи навбатда Ўзбекистонга чет эл сармояларини жалб этиш, мамлакатимиз маҳсулотлари экспортини ошириш ва юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги

элчионалари томонидан чет эл компаниялари ва инвесторларни юртимиздаги йирик лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Вазирлик томонидан умумий қиймати 5,25 миллиард доллар бўлган 244 та инвестицион лойиҳа ишлаб чиқилган. 1,7 миллиард долларлик 163 та лойиҳа жорий йилда, қолганлари 2020-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланган. Сўнгги 5 ой давомида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти 30,6 фоиз ўсди. Хорижий сайёҳлар келиши ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 42 фоиз ошган.

Тадбирда хорижий давлатларга қутилаётган ташрифлар, "Дипломатик хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани, Яқин Шарқдаги қуролли жанжаллар ҳудудидан Ўзбекистон фуқароларини юртимизга қайтариш борасидаги ишлар давом эттирилиши ва мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги давлат бошқа масалалар юзасидан ҳам атрафлича маълумот берилди.

Хуришд КОДИРОВ

ловларга, хорижий давлатларга сафарларга тавсия этилмаётгани каби бир қанча муаммолар мазкур аёнанага салбий таъсир кўрсатмоқда. Шароит, вазият ўз йўлига, бироқ журналистиканинг ўзгармас қонун-қоидалари бор. Уларни ёшларимизга тез-тез эслатиб туришни унутмаслик керак. Ёш журналистлар мамлакат ҳаёти, давлат тараққиётига дахлдор, халқро микёсдаги долзарб сиёсий муаммоларни имкон қадар ижтимоийлаштириши, ечимларини теzkорлик билан топиши лозим. Мулоқотлардан аён бўлмоқдаки, бугун миллий журналистикамизнинг энг катта муаммоларидан бири – миллий манфаатларни химоя қилишдаги оқсалиқ. Бунинг учун эса, аввало, ёш ҳамкасбларимиз миллий манфаатлар нима эканлигини билиши, таҳлил қила олиши лозим.

Устоз журналистлар тажрибасидан ўқув-амалиёт жараёнида кенг фойдаланиш, "устоз-шогирд" аънанасини янада ривожлантириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Инобат АХАТОВА, ЎЗА муҳбири

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ҚУРИЛГАН АРЗОН КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАРНИ СОТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги "2017–2021 йилларда Тошкент шаҳрида кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилиши микёсларини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2824-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги 161-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги 161-ф-сонли фармойишига асосан, Тошкент шаҳрида кўп қаватли уйлари қуриш ва уларни сотиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳрида қурилган кўп қаватли уйлардаги тураб жойларни сотиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. "Ягона буюртмачи хизмати" ИК (С.Орипов): Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 20 январдаги 51-сонли қарори билан кўп қаватли тураб жойлардаги уй-жойларни ёш оилаларга, эски уй-жойларда яшовчиларга ҳамда яшаш шароитини яхшилашга эҳтиёжманд (киши бошига ҳисобланганда уй-жой майдони ижтимоий нормадан паст бўлган) бўлган фуқароларни белгиланган масалаларни кўриб чиқиш бўйича туман ҳокимликларидаги комиссиялар томонидан белгиланган фуқароларга, шунингдек, уй-жойни сотиб олиш истагини билдирган давлат органи ва бюджет ташкилотлари ходимлари билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги номидан уй-жойларнинг олди-сотди шартномаларини имзолаш ваколати берилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Д.Хидоят), Молия бош бошқармаси (Л.Исма-туллаев), "Ягона буюртмачи хизмати" ИК (С.Орипов): Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармасидан "Ягона буюртмачи хизмати" ИКга махсус ҳисоб рақами очилиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармасида очилган махсус ҳисоб рақамиде жамланган маблағлар ушбу уй-жойларни лойиҳа ва қурилиш ишларини молиялаштиришга йўналтирилсин;

Лойиҳа ва қурилиш ишларига йўналтирилган қисмдан орган қисми тегишлича молиялаштирилган бюджетга қайтарилиши таъминлансин.

5. "Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази" ДУК томонидан уй-жойларни тижорат банкларининг талабгорларга кредит ажратилиши ҳақидаги кафолат хати ёки уй-жойни сотиб олиш учун тўлов тўлиқ оширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳамда "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ва талабгор ўртасида олди-сотди шартномалари нусхалари ўрнатилган тартибда тақдим этилгандан сўнг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордерларини берилиши инобатга олинсин.

6. "Ягона буюртмачи хизмати" ИК (С.Орипов): Тошкент шаҳридаги уй-жойларни харид қилиш бўйича талабгор билан олди-сотди шартномалари расмийлаштирилгандан сўнг, тижорат банкларининг талабгорларга кредит ажратилиши ҳақидаги кафолат хати ёки уй-жойни сотиб олиш учун тўлов тўлиқ амалга оширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳамда "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ва талабгор ўртасида олди-сотди шартномаларининг нусхалари ўрнатилган тартибда "Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази" ДУКга тақдим қилинсин.

7. "Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази" ДУК (С.Орипов): "Ягона буюртмачи хизмати" ИК томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида талабгорга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери расмийлаштириб берилсин.

8. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ф.Расулов): Давлат ордери расмийлаштирилгандан сўнг уй-жойлар ўрнатилган тартибда давлат кадастри рўйхатидан ўтказилсин.

9. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтга жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артикходжаев

2019 йил 10 июнь

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• Энди сайёҳлар Тошкент билан мустақил равишда танишишлари мумкин. Шаҳримиздаги тарихий объектлар ва маданият масканларига ушбу жой ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган инновацион технология — QR код ўрнатилмоқда.

• Шаҳардаги канал бўйи ҳудудларида чиройли ва хавфсиз сайёҳлар пайдо бўлади.

• "Қоқ ота", "Самарқанд дарвоза", "Ҳаси Имом" маҳаллаларининг фуқаролари учун 360 та янги хонадон қалитлари топширилди.

Худудларни ривожлантириш – фаровонлик омили

Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, ҳамма жойда улкан бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Бундай ишларнинг асл замирида мамлакатимиз раҳбари ғояси билан халқимизнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни ҳаётдан рози қилиш, дунёқарашини тубдан ўзгартириш, юртимизнинг янги кифёсига келажак авлод учун муносиб шарт-шароит яратиш, Ватанимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш сари қилинаётган саяҳат қаракатлардан дидир.



Бу борадаги эзгу мақсадларга эришиш учун мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида муҳим ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, ана шу тарихий ҳужжат бугун юртимизни халқаро ҳамжамиятда юқори поғоналарга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Бунинг амалий исботи сифатида кейинги уч йил ичида мамлакатимиз иқтисодий кудрати, юртимиз кифёсати, аҳолининг турмуш даражаси ошиб, одамларнинг дунёқарашини кун сайин ўзгартириб бораётгани ва Ўзбекистонга катта иштиёқ билан келаётган сайёҳлар сонининг ортби бораётганида ҳам кўриш мумкин.

26 тадан 23 таси, кадастр хизмати билан боғлиқ 21 та муаммодан 20 таси, паспорт билан боғлиқ 64 тадан 60 таси ва бошқа турдаги 502 та муаммолардан 444 таси ижобий ечим топмоқда.

Хар қандай одамнинг ҳаётдан мамнун яшашини биринчи галда, ўз уй-жойига эга бўлиши муҳим ўрин тутди. Лекин ҳаётдаги турли хил ижтимоий-иқтисодий ва бошқа сабаблар туфайли айрим инсонлар бу борада жиддий муаммоларга дуч келади. Бундай пайларда эса, ён-атрофдагилар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган инсонларга бефарқ бўлмаслиги, қўлидан келган ёрдамни кўрсатиши – одамийликнинг олий мезони саналади. Бунда биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож, энг оғир шароитда яшаётган ногиронлиги бор шахслар, кам таъмин-

бандлиги таъминланди, 12 нафар шахс касбга қайта ўқитиш учун юборилди, 34 нафар шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида сектор ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида навбатма-навбат арзонлаштирилган "Озиқ-овқат ярмаркалари" ўтказиб келинмоқда.

Маълумки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жамият ҳаётида эзгу қадрият ва аъёналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришга, она Ватани, халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

ланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ишсиз инсонларнинг муаммосини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга тайёр уй бериш ёки уйини таъмирлаб бериш йўли билангина эмас, балки имконияти даражасида ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун шароитлар яратиш йўли билан ҳам кўмак берилмоқда. Касб-хунарга ўқиши, қаролатилган иш билан банд бўлиши ва уйда тадбиркорликни йўлга қўйиши учун барча имконият-шароитлар яратилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тумандаги 2-сектор ҳудудидаги оғир ижтимоий шароитдаги аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида "Дарё бўйи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2 та кўп қаватли уй қуриб битказилиб, 18 нафар муҳтож оилага топширилди. Бундай қувончга мушарраф бўлганлардан бири — Мехрибонлик уйда тарбия топган фуқаро А.Усмоновдир. Унга икки хонали уйнинг қалити топширилишидан ташқари, тумандаги мутасадди идоралар ва маҳалла фаолларининг бевосита ташаббуси билан унинг ниҳоқ тўйи ҳам ўтказиб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман прокуратураси томонидан 3 нафар шахсга ногиронлик аравачалари топширилди, 48 нафар яққа-ў ёлғиз қарияга озиқ-овқат махсулотлари тарқатилди, 121 нафар шахсга "Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 7 фоизлик кредит учун тавсияномалар берилиб, уларнинг доимий иш ва мунтазам даромадга эга бўлишлари учун амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг ўтган даври мобайнида секторда икки мартаба-ба меҳнат ярмаркаси ташкил қилиниб, 43 нафар шахснинг

13 сентябрдаги "Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, кейинги пайларда китобхонлик маданиятини ошириш борасида юртимизнинг турли гўшаларида янги-янги кутубхоналар очилмоқда, "Китоб — менинг тақдиримда" мавзуларида китоб ярмаркалари, ижодий кечалар, акциялар, "Энг яхши кутубхона", "Энг яхши кутубхона" танловлари ва бошқа шу каби тадбирлар ташкил этилмоқда. Китобхонларнинг маънавий дунёсини янада бойитиш мақсадида китоблар берағарз асосда қабул қилинмоқда. Ана шундай хайрли тадбирлардан бири туман прокуратураси томонидан сектор ҳудудидаги 285-сонли ҳамда 304-сонли умумтаълим мактабига 420 та китоб совға сифатида тўхфа этилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда олиб борилаётган ишохотларнинг туб замирида инсон ва унинг манфаатлари ётшини бугун фаровон ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шундай экан, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизни ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечирини таъминлаш бўйича олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга виджонан ёндашишимизда улкан куч муважассамдир. Зеро, "Интиланганга толе ёр" деб бежизга айтилмаган.

Тоҳиржон ХУСАНОВ, Сергели туман прокурори

Тиббиёт

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан "Соғлом аёл ойлиги" ўтказилмоқда. 6 июлга қадар давом этувчи ойлик доирасида фарзанд кўриш ёшидаги аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш ва яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизларнинг соғлигини муҳофазалаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва жамият ҳаётидаги маъқеани юксалтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Тиббиётнинг бирламчи тизимида патронаж ва тиббий-профилактика ишлари замон талабига мос тарзда ривожлантирилмоқда. Республика-миз ҳудудларида халқаро андозалар даражасида барпо этилган кўп тармоқли марказий поликлиникалар ва шифохоналарда тиббий диагностика ва даволаш ишлари дунё стандартларига жавоб берадиган даражада таъминланмоқда.

Жорий йилдан ўтказиб бошланди. Шунингдек, поликлиникаларда аёллар маслаҳатхоналари фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилди.

— "Соғлом аёл ойлиги" ижтимоий-соғломлаштириш лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам репродуктив саломатлиқа оид турли муаммоларнинг олдини олиш, тиббиётнинг илғор ютуқларидан аёлларни баҳраманд этиш, ўсимир қизлар ва фарзанд кўриш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Элмира Боситхонаева. — Ушбу ойлик доирасидаги тиббий кўриқларга туғиш учун нисбий ва мутлақ монелиги бўлган аёллар ҳам кенгроқ жалб этилмоқда. Улардаги хасталикларни ўз вақтида аниқлаш, самарали даволаш чораларини кўришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Аёл — жамиятнинг таянчи, оиланинг фаршатиби бекаси, фарзандларнинг меҳрибон онаси ҳисобланади. Шундай экан уларни асраб-авайлаш, саломатлигини

тиклаш ва яхшилаш бугунги куннинг энг асосий ва долзарб масалаларидан биридир...

"Соғлом аёл ойлиги" доирасида барча тиббиёт муассасаларида кенг қамровли соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

— Бизнинг поликлиникамизда ҳам ойлик доирасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда, — дейди Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Саодат Дўстмухамедова. — Туманимиздаги Аёллар маслаҳатхонаси фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Унда сезувчанлиги юқори бўлган перинатал-скрининг хонаси мавжуд. Бу эса опа-сингилларимизни керакли текширув учун етакчи тиббиёт масканларига қатнашдан халос этди. "Оналар мактаби", аёллар кўриқ, маслаҳатхоналари эса бўлғуси оналар саломатлигини муҳофазалашда гоят асосқатмоқда.

"Соғлом аёл ойлиги" доирасида фертил ёшдаги аёлларнинг ҳам тиббий кўригига муҳим аҳамият қаратилмоқда. Фарзанд кўриш арасидаги аёлларни туғруқ комплекслари йўналтириш, уларни туғруққа тайёрлашдаги тиббий билимларини оширишга ҳам соҳа вакиллари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Асосийси ойлик доирасида аёллар саломатлигини янада яхшилаш, муҳофазалаш тиббий маданиятини ошириш каби ишлар амалга оширилади. Бу эса жамиятимизда хотин-қизларга бўлган эътиборнинг оддийгина бир кўринишидир.

Зеро, оналар соғлом бўлса, улардан соғлом болалар туғилади. Бугунги болажонлар эса эртанги кунимизнинг истибоби порлоқ, келажаги ёрқин давомчиларидир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида дастуруламал ишлар амалга оширилмоқда.

"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди ҳам жорий йилда ўзининг Мақсадли дастурининг 5-бандига асосан, Оролбўйи ва чегара ҳудудларида жойлашган тиббиёт муассасаларининг аҳолига бир мезоёра сифатли тиббий хизмат кўрсатишга кўмак бериш мақсадида "Саховат" хайрия акциясини "Анемия ва Лейкемия" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида амалга оширмоқда.

Жумладан, мазкур хайрия акцияси доирасида шу йилнинг

март, апрель, май, июнь ойларида дори-дармон воситалари Тошкент шаҳри ва Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига, кекса ёшдаги нурунийларга, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда тиббиёт муассасаларида даволанаётган беморларга топширилди. Натихада вилоятларнинг аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва дори воситалари билан таъминлаш ишларига 170,0 млн. сўмлик амалий ёрдам

кўрсатилди. Дори-дармон воситалари "Нуруний" фонди фаоллари ҳамкорлигида топширилди.

Бундай хайри ишларни амалга ошириш аслида ҳар биримизнинг инсонийлик вазифамиздир. Зеро, саховат қўнгилларга нур каби кириб боради ва қўёш ҳароратидай қалбларга ийликлик бағишлайди.

М.МИРСУВРОВ, "ЭКОСАН" Экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар филиали директори

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ — БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда янгилишни ва тараққиётнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлини танлади.

Мамлакатимиз ўтган қисқа вақт мобайнида улкан ютуқларга эришти. Ватанимизда соғлом, оқилона ижтимоий муҳит, сиёсий барқарорлик вужудга келиб, фуқароларга ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилиши учун барча шароитлар яратилди. Олиб борилаётган изчил таълим сиебат давлатимизнинг дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, Халқаро майдонда обрў-эътиборнинг ортби боришини таъминлаётди.

Юқорида келтирилганлар билан бирга, барча мамлакатлар тараққиётга салбий таъсир этаётган, ҳаммамни бирдек ташвишга солаётган муаммолар ҳам мавжудки, улардан бири — коррупция. Шу боис, унга қарши курашиш халқаро мисалга кўтарилиб, жаҳон сиебатининг муҳим масалаларидан бирига айланган.

Коррупция — ҳар қандай жамиятнинг сиесий ва иқтисодий ривожланишига зарар етказиши, давлатнинг конституциявий асосларини ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емирди, қонун устуворлигини заифлаштириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий тарзда бузилишига олиб келади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва шу турдаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб борилмоқда. Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилиб, коррупцияга қарши кураш чораларини қўлайтириш, уни илдиши билан йўқ қилиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда коррупцияга қарши курашиш йўлида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасида-

ги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари белгиланган, яъни улар қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очкилик ва шаффоқлик, тизимлилик, давлат ва фуқароларнинг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ҳамда жавобгарликнинг муқарраблигидир.

Шунингдек, бу қонун бугунги кунда давлат органлари фаолиятининг очкилигини ва ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органлари, мансабдор шахсларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларини бажариш юзасидан масъулиятини қўлайтиришга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида шароит ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча тармоқлари қатори "Ўзэнергоспекция"си томонидан коррупцияга қарши курашиш масалаларида оид кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. 2018-2019йиллар давомида коррупцияга қарши курашиш тадбирлари бўйича комплекс режа ишлаб чиқилган бўлиб, инспекциянинг барча ходимлари томонидан коррупцияга йўл қўймастик борасида доимо тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хар чорак якунида ушбу комплекс режа асосида инспекцияда коррупцияга қарши курашиш доимий комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, инспекция ходимлари ўртасида коррупцияга йўл қўймастик чоралари кўрилмоқда.

Шухрат АБДИРАХМАНОВ, "Ўзэнергоспекция"нинг Тошкент шаҳар бўлими катта инспектори

Маданият

ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ НОЁБ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида "Ўзбекистон меъморчилигининг ноёб дурдоналари" туркумидаги "Рерих битими. Маданият орқали тинчлик" деб номланган кўргазмаси очилди.

Кўргазма пойтахтимиздаги Рерихлар жамияти томонидан тайёрланган, Ўзбекистоннинг кам учрайдиган маданий ёдгорликларига бағишланган асосий туристик йўналишлардан чек-кардада бўлган ёдгорликларга бағишланди.

Рерих битими — Бадий, илмий муассасалар, тарихий ёдгорликларни ҳимоялашга доир халқаро шартнома. Рус муассавири Николай Константинович Рерих томонидан асос солинган ушбу ҳужжат маданий мерос объектларини асраб-авайлашни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир.

Бу ерда Араб ота макбараси (Самарқанд вилояти), Оқ Остона бобо (Сурхондарё вилояти), Мир Саид Баҳром макбараси, Деҳқон масжиди (Навоий вилояти) каби масканларнинг фотосуратлари билан танилиш мумкин. Уларнинг ўзига хослиги — Ўрта Осиёнинг IX-XII асрлар меъморчилигининг ривожланиш давридаги пишиқ ғиштдан фойдаланиш аъёнага айлангандан дарак беради.

Шунингдек, кўргазмада Тошкент архитектура-қурилиш институтининг профессори Марина Борзинанинг талабалари, магистрлари томонидан ишланган фото ва инсталляциялари билан ҳам танилиш мумкин.

40 га яқин асарлар ўрин олган мазкур кўргазма 17 июнга қадар давом этади.

МУСИҚА УСТАСИДАН МАҲОРАТ ДАРСИ

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 24 май кунини илм, фан-таълим соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳар бир олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари фаолиятини янги боқичга олиб чиқиш, хориж давлатларида стажировка ўташ, маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида чет эл етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалалар ечимини бўйича вазифаларни илгари сурган эди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори, Ўзбекистонда тахсил олаётган болалик давридаёқ республика ва хорижий фестиваллар, кўрик-танловларда совриндор бўлган. Бах, Бетховен, Моцарт, Шопен, Брамс, Раҳманинов каби композиторларнинг асарларини қўйиллатиб ижро этиши, муслиқ асар мазмунига сингдирилган теран фалсафий ғояни муслиқ шай-доларига еткази олиши билан муваффақият қозонган.

Унинг ўзбек ва хориж дирижёрлар раҳбарлигидаги оркестрлар тарихида ўтказган концерт дастурули тингловчиларда катта таассурот қолдирган. Моҳир педагог ва муслиқ кўп йиллардан буюн Германия, Франция, Туркия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор хорижий давлатларда яққол ансамбль ва оркестрлар билан биргаликда концертлар дастуруларини намойиш этиб, маҳорат дарсларини ўтаб келмоқда.

Сайёра Ғофуровдан санъат сирларини ўрганган ёшларда муслиқани гоёт образли, ўзига хос тарзда ижро этишга, композициянинг асар орқали айтмоқчи бўлган фикрларини тингловчиго нозик тарзда етказишга бўлган иштилиш кучли.

Исроилда ўтказилаётган маҳорат дарсларида ижрочиликнинг нозик сир-асорларини, муслиқ асарини ифодалашдаги ички хусусиятлар моҳирона очиб берилмоқда. Муваффақияти бошланган концерт дастури хорижлик муслиқ шайдоларида катта таассурот қолдирди.

Гулнигор САТТОРОВА

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Республика Маънавият ва маърифат марказининг Яққасарой тумани бўлими томонидан тумандаги корхона, ташкилот, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўйишга чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти, бу борадаги ишларни бошқариш-бошқич масъулиятини ташкил этиш, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш юзасидан тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, туман Маънавият маърифат маркази, туман ҳокимлигининг тегишли таркибий тузилмалари, сенаторлар, депутатлар, таниқли ёзувчи, шоир, олим, кино ва театр намояндалари, сиесий шарҳловчилар, ҳаётий тажрибига эга бўлган кекса авлод вакиллари тақлиф этган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар, матбуот анонуманлари ташкил этилмоқда. Мактабга таълим муассасаларидан бири "Креатив" таълим маскани педагог тарбиячилари иштирокида ҳам давра суҳбати ташкил этилди. Унда Яққасарой тумани Маънавият маърифат маркази раҳбари Б.Юсупов томонидан тегишли тушунтиришлар берилиб, тадбир якунида педагог тарбиячиларга марказ томонидан китоблар тўплами ҳада этилди.

Ғулможон МУСАЕВ, Яққасарой тумани ҳокимлиги матбуот котиби

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎзМУ томонидан 2005 йилда Боҳодиров Жавоҳир Боҳодирович номига берилган В № 020959 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Беруний кўчаси, 14-уй "SHAN TEKSTIL" МЧЖ номига 23.09.2011 йилда биноиншоотга берилган ТА 1266796-сонли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан 2015 йилда Акбаров Фозилжон Ироқмон ўлига берилган 04/9-505 рақамли рейтинг дафтраси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЖУМА ОҚШОМИДА

Танловлар

ДУНЁ УЗРА ЯНГРАЁТГАН НАВОЛАР

Жорий йилнинг 3-10 июнь кунлари "Золотая мечта" VII халқаро кўриқ-танлови Греция давлатининг Аспровальта шаҳрида анъанавий тарзда ўтказилди.

Мақкур халқаро фестивалда мамлакатимиз ёшларининг иштирок этиши яна бир қувончли ҳодисадир. Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси тасарруфидоги М.Улуғбек туманида жойлашган 20-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг танловда қатнашиб, олий совринларга мушарраф бўлиши эса қалбимизга ифтихор туйғуларини бағишлади.

Қувончлиси, олий соврин Гран-при айнан юртимиз вакилларига насиб этди. Жумладан, "Чашма" ракс ансамбли ижрочилари ва хореографлар Эъзоза Махаммаданова, Рафина Муҳаммадова, Кумуш Эргашбоева, Зайнаб Эргашбоева, Гузал Эр-

гашева, Мухлиса Анваржонова, Гулираъно Бердиева, Афруза Омонова, Камола Фармонова, Фариза Мамажонова, Мадина Анваржонова, Фотима Зокироваларнинг гузал ижролари олий мукофотларга сазовор бўлиши миллий мусиқа санъатимизда муҳим аҳамият касб этди.

Танловда жами иккита Гран-при, саккизта биринчи ўрин, учта иккинчи ўрин ва учта учинчи ўринга муносиб деб топилган ёш мусиқачларимиз мўъжизаскор Грецияда ўзбек мусиқасининг шукратини яна бир бор намойиш этди.

Хोजиакбархўжа МАХМУДОВ, Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси мутахассиси

ХАНДАЛАР

Отчопарда икки оғайни гурунглашарди:
— Сен мана бу отга дов тик, у биринчи бўлиб келади. Чавандоз билан гаплашганман.
— От билан-чи?

Бокс судьяси санай бошлади:
— Бир, икки, уч...
Ерда кулаб ётган боксчининг тренери шогирдининг қулоғига шивирлади:
— Саккизгача ўрингдан турмай ётавер.
— Хўп, — дебди боксчи ётган жойида, — ҳозир соат неча бўлди?

— Менга сизнинг гўзаллигингиз, зеболигингиз, доно-ю ақллигингиз ёқади. Хўш, менинг нима ёқади? — деб сўрабди йигит.

Энига: 1. Нотик. 3. Узум сўриси. 6. Фасл. 8. Харбий хизматчи. 11. Шахмат донаси. 14. Пул бирлиги. 15. Дарахт девор. 16. "Ёмон кўз", кинна. 17. Чўл ўсимлиги. 18. Санъат тури. 23. Галла, дон. 24. Мусиқий ёзув. 25. Европадаги пойтахт, шаҳар. 26. Дона, сон. 32. ... Зулқарнайн. 33. Миллат. 34. Шашмақом куйи. 35. Тузоқ. 38. Касаллик тури. 40. Кема ён девори. 42. Ўт, олов. 44. Гуруч. 46. Кир ювиш кукуни. 49. Тадбир, илож. 50. Болтиқ денгизи бўйидаги шаҳар. 51. Жанубий Америкадаги давлат. 52. Хўл мева. 58. Муҳаррам ойи. 59. Афғонистондаги шаҳар. 61. Туркиядаги қўл. 62. Миллий таом. 64. Норвегия пойтахти. 65. Кимёвий элемент. 66. Миллий таом. 67. Газлама. 68. Атир-ула сотувчи. 69. Субтропик мева. 74. Тахмин. 76. Эстрада гуруҳи. 77. Хўл мева. 79. Пайт, тонг. 85. Оғиздаги аъзо. 86. Қариллик белгиси. 87. Оёқ кийими. 88. Қовун бўлаги. 89. Чекимлик. 92. Арабистондаги давлат. 94. Охир, тамом. 96. Эстрада гуруҳи (чет). 98. Газлама тури. 102. Шўх кўшик. 103. Автомобиль тури. 104. Осиёдаги давлат. 105. Кир ювиш кукуни. 111. Геометрик шакл. 112. Республикамиздаги шаҳар. 113. Ов қўши. 114. Сунъий тери. 115. Хонадон. 116. Автомобиль тури. 117. Марварид. 118. ГАИ (Ўзбек). 119. Кексалар суянчиғи. 120. Ўзбекларнинг қадимий номи.

Бўйига: 1. Ўсимлик касали. 2. Бақлажонли қовурма овқат. 4. Фарибнинг ошиғи. 5. Уй ... дан бошланади (мақол). 7. Одат, русум. 9. Кичкина сайроқи қуш. 10. Ҳаққонийлик, одиллик. 12. Хўл мева. 13. Электрод. 19. Радио-актив кимёвий элемент. 20. Йирик пода. 21. М/фильмдаги тимсоҳнинг номи. 22. Мадҳия, мадҳ. 27. Мебель. 28. Эрта... эрта ўради (мақол). 29. ... Бакиров (актёр). 30. Тақдир, қисмат. 31. Одам, башар. 36. Африкадаги давлат. 37. Чинни идиш. 39. Уммон. 41. Кения пойтахти. 43. Тепалик, қир. 45. Осиёдаги давлат. 47. Боламнинг боласи. 48. Музофот. 53. Лирик шеър. 54. Осиёдаги давлат. 55. Дон, галла. 56. Дуккакли ўсимлик. 57. ... Абдулла (адиб). 60. Қозғонистондаги шаҳар. 63. Катта уй, бино. 70. Ота (шева). 71. Халқ, қабила. 72. Тақинчок. 73. Ринг. 75. ... Муллахонов (хонанда). 78. Зиравор. 80. Африкадаги давлат. 81. Сўз, таъбир. 82. Эркалар қўйлаги. 83. Узун эмас. 84. Фонд ...си, меҳнат ...си. 90. Сабзавот. 91. АҚШдаги штат. 93. Ёзув, графика. 95. Тикув машинаси қисми. 97. Мажбурият. 99. Япония фирмаси. 100. Ўқувчи. 101. ... Ганди. 106. Россиядаги тоғ. 107. Орзу, истак. 108. Оролдаги давлат. 109. Хоразм вилоятидаги шаҳар. 110. Баҳор ойи.

Тузувчи **Файзулла АБДУЛЛАЕВ**

Қатралар

ИЧИ ҚОРА

— Сенга менинг керагим йўқ. Мени тақиб, бекорга овора қилма, — деди қоракўзойнак кўзга.
— Нега?
— Менсиз ҳам барибир, бор нарсани қора рангда кўрасан. Сен бояқишда нима айб?! Эгангнинг ичи қора бўлгандан кейин..

ФИКР

Шамол шафтоли шохларини тебратиб силкитади. Ўткинчилардан бири шамолдан хафа:
— Эссиз, мевалар. Шунчалик бўлганда дувиллатиб тўкибди-я, шамол уволени билмас.

Боғбон эса шамолнинг ишидан хурсанд: "Мижғовларини тўкиб яхши иш қилди шамол. Соғломлари яйраб тўлишади".
Хар ким бирор кор-ҳолни ўз туншчаси, фикри бўйича баҳолайди.

ҚАЙРОҚ

Мусобақада орта қолганимга таъна тошини отма, азизим. Барибир мусобақадан хурсандман. Маррага етгунча "рақибим"нинг ҳаракатидаги тажрибасини ўрган-

дим. Файрат, шижоатим қайралди. Пичоқ ҳам ўткир бўлиши учун қайроққа қайралиб туради-ку. Мусобақа эса ҳаракатимиздаги энг бебаҳо қайроқдир, азизим.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ МЎЛЖАЛИ БОР

Ҳайвонлар озиқ учун, қушлар донлаш учун эгилади. Булар табиий. Бироқ одамларнинг эгилиши замирида нима мўлжал борлиги ўзига аён. Кимдир уруғ сепиш учун, кимдир ҳосил териш учун, кимдир ер бетини тозалаш учун эгилади. Лекин хушомад учун эгилишдан Оллоҳнинг ўзи асра-син.

ЭГРИЛИК

Ёғоч устида ўрмалаб юрган курт пармани кўриб билонглаб қолди:
— Келмасанг ўзим ҳам тешиб бераддим ёғочни.
— Увол қиласан ёғочни. Тешиш йўлинг харён эгривди, — деди парма ишга тушаркан. — Тезроқ қоч, эзгилаб ташлашади.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

— Менга сизнинг бошқаларга мана шундай тўғри баҳо бера олишингиз ёқади.

— Сир сақлай оласанми?
— Бўлмасамчи, маошим ошганига беш йил бўлди, ҳалигача хотиним билмайди.

Бошлиқ янги ишга кираётган ходимга деди:
— Бизда тартиб шунақа, мен нима десам шуни қиласиз. Дарёга ташла десам ташлайсиз.
— Хўп, мен кетдим бўлмасам.
— Қаёққа?
— Сузишни ўргангани!

— Хотинингиз унинг пули қўп бўлгани учун уйланингиз тўғрими?
— Ёлғон! Ёнимда бир тийин ҳам пулим бўлгани учун уйланганман.

— Дугонажон, у мени яхши билмай туриб уйланишмоқчи!
— Билиб олгунча тезроқ рози бўлиб тега қол.

— Бу шляпада ўн ёшга ёшариб кетаман.
— Ёшингиз нечада ўзи?
— Шляпа кийганимдами ёки шляпасиз эканимдами?

— Кеча зиёфатда олдинги эримни учратиб қолдим.
— Хўш, кейин нима бўлди?
— Ҳеч қачон унинг бунақа ёқимтой сўхбатдош эканини билмаган эдим.

— Жонгинам, нега йиғлаяпсан? Ахир мен ўн йилга эмас, бор-йўғи бир ойга кетяпман, холос.
— Одатингни биламан! Бир ойга деб, дарров уч кунда келасан.

Ш. ОТАБЕК

Бошқотирма

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
14		15			16		17			18		
		19		20		21			22			
27	28		24		25			26			30	31
32				33		34			35			
			36					37				
38		39		40	41	42	43	44	45	46		
			47					48				
	49			50		51			52			
53	54				55					56	57	
58		59		60	61	62	63	64			64	
			66		67		68				69	
65		70			71		72			73		
	74		75	76		77		78	79			
80	81				82						83	84
85		86		87		88		89				
			90					91				
92		93		94		95	96	97		98	99	
			100					101				
	102			103		104			105			
106	107					108					109	110
111			112			113		114				115
												120
116			117			118		119				

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва яқка тартибдаги турар-жойлар ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш, шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойлардаги умумий фойдаланувдаги ер майдонларини ўзбошимчилик билан тўсиб олиб, унда ҳар хил кўринишдаги қурилмаларни қуриб олиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳридаги нотура-жой объектида, кўп қаватли турар-жой биноларида ва уларнинг ён атрофида ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер майдонларида ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-иншоотларни бартафоз этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликлари қошида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 91-моддасида, "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-ҳаражатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади", шунингдек, "Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади" деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг текширишларга рухсат берувчи қарорларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 266-моддаси билан "Давергеодезкадастр" қўмитасига берилган ваколатдан фойдаланган ҳолда, ушбу кодекснинг 65 ва 68-моддаларига мувофиқ, қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан, ўрнатилган тартибда баённомалар тузилиб, жаримага тортилишининг ҳақида огоҳлантиришимиз лозим.

Жарималар қўлланилганда сўнг, қонуний талаблар бажарилмаган тақдирда, Сизга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари томонидан маъмурий жазо чоралари қўлланиши ҳақида маълум қиламиз.

Азиз ҳамшаҳарлар, ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олишдан ҳамда ҳужжатсиз ҳар хил кўринишдаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларига рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутмангиз. Бу билан Сиз қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз хиссангизни қўшган бўласиз.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Яққасарой тумани, Аския кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган 89-сонли умумтаълим мактабида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхонасини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танлов 2019 йилнинг 19 июль кунини соат 15:00 да Яққасарой тумани, Уриқзор 2-тор кўчаси, 45-уй (Яққасарой туман Халқ таълими бўлими)да бошланади.

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Юнусобод тумани, Ц4-мавзеси, 5-уй, 39-хонадон учун Сибгатулин Эълдор Ильғизович ва Сибгатулин Пулат Ильғизович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Қибрай тумани, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр бўлими томонидан жисмоний шахс Хусанов Иҳмат Нигманович номига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ, БУШ "Тонг" худуди, 35-уй учун берилган (кадастр рақами 11:05:1101:04:0041:0001) кадастр ҳужжатлари ва кадастр гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 15 июль кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёمғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундида 5-10, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 31-33 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 июлда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2024 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.50